

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТИ

**“ЁШЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА
ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2013 ЙИЛ 13-ФЕВРАЛЬ

Андижон – 2013

ИСЛОМ ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ: ҒОЯЛАР КУРАШИ

С. А. Мирзаев – ТДТУ, магистрант

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизнинг барча фуқаролари ҳақиқий эътиқод эркинлигини ҳис эта бошладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган, барча қулайликлар яратилган минглаб масжидлар, ўнлаб мадрасалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик”¹. Юртбошимиз шунингдек, “халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва эътибор билан қараш кераклигини”² уқтириб ўтган. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллатлар вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эркин ибодат қилмоқдалар ва уларнинг ноисломий диний ташкилотлари расман фаолият кўрсатмоқда.

Чор мустамлакачилиги ва айниқса совет мустабид тузуми даврида халқимизни маънавий илдизларимиздан айириш, ислом динини жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга уринишлар бўлди. Ана шундай шароитларда минтақамизда, хусусан Ўзбекистонда баъзи кучлар дин никоби остида ғаразли мақсадлар билан сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. Аллоҳ ва ислом каби сўзлар билан биргаликда номланган партия ва ташкилотлар – “Ислом уйғониш партияси”, “Ҳизбуллоҳ”, “Ҳизбут-тахрир ал-исломий” ва бошқаларни тузиб, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, яхлит минтақада ислом давлати қуриш, халифаликни қайта ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, дунё ҳамжамиятининг тараққиёт йўли, ҳозирги даврда халифаликни қайта тиклаш ғояси ислом дини таълимотига зид эканлигини исботламоқда.

Диний экстремизм деганда маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин никоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига қўра иш кўрувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини тушунамиз³.

Фикримизни янада аниқроқ ифодалаш мақсадида айрим диний оқимларни мақсадларини таҳлил этиб кўрамиз.

Ваҳобийлар ҳукуматни қўлга олишда очик кураш, экстремизм, террор йўлини тутсалар, “ҳизбчилар” ғоявий, мафкуравий кураш услубини қўллайдилар. Улар беш кишидан иборат бўлган халқа-халқаларга бўлиниб, мафкуравий тарғибот ишларини олиб борадилар, ёшлар тарбиясидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгини захарлашга уринадилар. Халифалик

¹ Ислом Каримов. “Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболли асосий тамойиллари”. «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин». Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, НМНУ, 2011.

³ Ирисов Б. Дин, ақидаларастлик ва таҳдид. – Т.: “Маънавият”, 2000.

асосидаги ислом давлатини тиклаш ва токи ана шу мақсадга эришмагунча бошқа масалалар, ҳатто ибодатларга ҳам иккинчи даражали вазифа деб қарайдилар.

“Ҳизбут-тахрир ал-исломий” диний ташкилоти ҳам ваҳҳобийлар каби давлат сиёсий бошқарувига аралашшига, ҳукуматни тўнгатиш йўли билан қўлга киритиб, ислом давлати ўрнатишга интилади.

“Ақромийлар” оқими вакиллари Аллоҳгагина эътиқод қиладилар ва пайғамбарларга имон келтирмайдилар. Ҳозирги кунда мусулмонлар учун намоз, рўза, закот, ҳаж амаллари фарз эмас, чунки биз гўё куфр жамиятда яшамокдамиз, деб даъво қиладилар.

Юқорида тавсифлари берилган диний оқимларнинг номлари турлича бўлса-да, аслида уларнинг мақсадлари ва ғоялари битта – динни ниқоб қилиб ҳокимиятга интилиш, тинч-осойишта халқ орасида нифоқ ва ихтилоф чиқаришдан иборат. Энг ачинарлиси шундаки, бу оқимлар хали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар.

Яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш зарурки, исломда гуруҳларга бўлиниш, фирқа, ҳизб тузиш Аллоҳ томонидан таъқиқланган ва муқаддас динимиз таълимотига зид эканлиги аниқ-равшан бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида жумладан шундай дейди: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иктисодиёт ва қонуншуносликка аралаштириш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки, бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз¹”.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, бугунги кунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг биринчи ва асосий вазифаси – ёш авлод онги ва тафаккурига «Ватан – ягонадир, Ватан – биттадир» деган ғояни сингдиришдир. Президентимиз таъкидлаганидек, «Бу ҳаракат Ўзбекистонимиз мустақиллигининг вадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраш, мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини кўтаришда ўз масъулиятини унутмаслиги даркор²». Биз динимизни Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хўжа Баҳоуддин Накшбанд, Аҳмад Яссавий, Замахшарий каби улуғ сиймоларсиз ва ўз навбатида бу улуғ номларни эса, динимизсиз тасаввур қила олмаймиз. Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, барқарорлиги, фуқаровий тотувликини сақлаб қолиш, юрт хавфсизлигини таъминлаш, турли ёт ғояларга қарши курашиш – ёшларимизнинг ватан-юрт олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади.

¹ Исом Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида». Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

² Исом Каримов. «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. («Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқ). «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 25 январь.

МУНДАРИЖА:

1-БОБ. ЁШ АВЛОДНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ.....	5
<i>М. Каримова, Б. Махаматов.</i> Ёшлар манфаати ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ўзбекистон қонунчилиги.....	5
<i>Д. Қўлматов, У.Қорабоев.</i> Баркамол авлод тарбиясини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш.....	7
<i>З. Холмирзаева, С. Умаров.</i> Ёшлар таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда янги педагогик технологияларни қўллаш.....	9
<i>И.Умаров, Э. Адуллаев.</i> Ёшларни маънавий-ахлоқий кадриятлар руҳида тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари.....	11
<i>И. Умаров, Ш. Камолов.</i> Талабалар онгида мустақил фикрлашни шакллантириш масалалари.....	13
<i>Н. Халшов, Ш. Камолов.</i> Таълимда инновацион технологиялар орқали ёшларнинг ижтимоий тафаккурини шакллантириш.....	14
<i>О.Пўлатова, Б.Абдулазизов.</i> Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишнинг психологик масалалари.....	16
<i>И. Пўлатова.</i> Баркамол авлодни тарбиялашда маданий ва маърифий ишларни ривожлантириш масалалари.....	18
<i>Б. Ибрагимов, И. Пўлатова.</i> Баркамол авлодни тарбиялаш - мустақил ўзбекистон республикасининг бош мақсади.....	20
<i>Б. Холжимуратов.</i> Илм эгаллаш – юксак фазилат.....	22
<i>Б. Одилов, З. Нишонов.</i> Ёш авлодни маънавий юксалтиришда миллий тарбиянинг ўрни.....	24
<i>Х. Тўхтасинов, Ш. Комолов.</i> Ёш авлодни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялашда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ўрни ва аҳамияти.....	27
<i>Д. Раҳмонова, И. Солиев, А. Курбанов.</i> Ёш авлодга миллий-маънавий тарбия беришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.....	29
<i>Х.Хайдарова, Х.Эшбоев.</i> Талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий одатларини тарбиялаш.....	31
<i>Ш. Абдуллаев, Ф. Қодиров.</i> Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг маънавий асослари.....	33
<i>Р. Нурхонов, Ж. Аҳмедов.</i> Талабаларни маънавий -интеллектуал ривожлантириш сифатларини аниқлаш-давр талаби.....	35
<i>Б.Яқубова, Э.Ҳамдамов, Р.Нурхонов.</i> Баркамол шахс ривожланишида тарбиянинг роли.....	37
<i>Б.Яқубова, Ф.Юсупов, Ж.Аҳмедов.</i> Баркамол авлод тарбиясига технологик ёндашувлар.....	39
<i>Б. Солиева.</i> Жамиятимизнинг маънавий ҳаёти.....	41
<i>Х. Сайфутдинов, М. Амонов.</i> Ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда инновацион ёндашувлар.....	42

<i>Ш.Ёқибжонов, О.Мадаминов.</i> Ёшларнинг ўзлигини англашида жинсий ижентификациянинг таъсири.....	44
<i>М. Исмоилов, Э. Абдуллаев.</i> Ёшларда гендер тасаввурларни пайдо бўлиш.....	46
<i>Х. Хайдарова, Ж. Шарипов.</i> Ёшларда жинсий идентификациянинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.....	48
<i>Р.Ахмаджанов, Д.Туланов.</i> Ёшлар тарбияси – мустаҳкам оила асоси.....	50
<i>Х. Мамашарипов, О.Ҳабибуллаев.</i> Давлат сиёсатида ёшлар тарбияси.....	52
<i>Г. Каримова, Ш.Имомова.</i> Ёшлар маънавий маданиятини шакллантиришда хотин-қизлар кўмиталарининг вазифалари.....	54
<i>Б.Сафаров, О.Дадажонов.</i> Маданият ёшлар тарбиясининг асоси.....	56
<i>Д.Сулаймонов, Р. Тургунов, М.Олимжонов.</i> Ёш авлодни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари (жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида).....	57
<i>Х. Тўхтасинов, И. Бекчонов.</i> Ёшларни соғлом турмуш тарзида тарбиялашда оилани ўрни.....	59
<i>Х. Тургунов, Б. Сафаров.</i> Оилада табиий маданиятни шакллантириш.....	61

II-БОБ. ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ДИНИЙ ЭКСТЕРИМИЗМ ВА АКИДАПАРАСТЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ.....	64
<i>И.Кобулов.</i> Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатларининг муаммолари ва вазифалар.....	64
<i>Б. Сафаров, Э.Олимов.</i> Ёшларда мафкуравий иммунитетни ошириш.....	66
<i>Х. Тўхтасинов, Ф.Қодиров.</i> Талаба ёшларни экстремизм хавфидан огоҳлантириш заруриятлари.....	67
<i>О. Po'latova, A. Mirzajonov.</i> Barkamol avlod – jamiyat taraqqiyotining yetakchi kuchi.....	69
<i>O'. Arziqulov, X.Isaqov.</i> Talabalar dunyoqarashini shakllantirish va yuksaltirish masalalari.....	71
<i>М. Маликов, М.Қамбаров.</i> Талаба ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг самарали йўллари.....	72
<i>С. А. Мирзаев.</i> Ислом ва диний экстремизм: гоълар кураши.....	76
<i>С.Қобилов, М.Махмудов.</i> “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш-диний экстремизм ва акидапарастликни олдини олишнинг муҳим омилларидан бири”.....	78
<i>М. Дадажонов, Ф.Отахонов.</i> Миллий истиклол гоъясини ёшлар онгига сингдириш масалалари.....	79
<i>Ф. Зокиржонов.</i> Ёшлар тарбиясида маҳалла тизимининг ўрни ва аҳамияти масалалари.....	81
<i>А. Алимов.</i> Соғлом авлод – жамият тараққиётининг пойдеворидир.....	83
<i>М. Дадажонов, Д. Раҳмонова, Ф.Шохобиддинов.</i> Ёш авлодни тарбиялашда оилавий муносабатлар маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари.....	85
<i>И. Солиев, А. Умрзақов, А. Мирзажонов.</i> Ёш авлодга маънавий-иммунологик тарбия беришда маънавий-тарихий мерос.....	87